

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМий ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
PhD.29.08.2017.FM.02.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ  
МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМий НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ**

**ХУЖАНОВА ДИЛАФРЎЗ ШАКАРБЕКОВНА**

**ПАСТ ЎЛЧАМЛИ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМЛАРИ ОПТИК  
ХОССАЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**01.04.05 – оптика**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on physical-mathematical sciences**

**Хужанова Дилафрўз Шакарбековна**

Паст ўлчамли электрон тизимлари оптик хоссаларининг хусусиятлари... 3

**Хужанова Дилафруз Шакарбековна**

Особенности оптических свойств низкоразмерных электронных систем... 25

**Khujanova Dilafruz Shakarbekovna**

Peculiarity of optical properties of low-dimensional electronic systems..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
PhD.29.08.2017.FM.02.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ**

**ХУЖАНОВА ДИЛАФРЎЗ ШАКАРБЕКОВНА**

**ПАСТ ЎЛЧАМЛИ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМЛАРИ ОПТИК  
ХОССАЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**01.04.05 – оптика**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/FM278 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эшпўлатов Барат**

Физика-математика фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Оксенгендлер Борис Леонидович**

Физика-математика фанлари доктори, профессор

**Қўйлиев Баҳрон Тўхлиевич**

Физика-математика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD. 29.08.2017. FM.02.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (**Манзил:** 140104, Самарқанд шаҳри, Университет ҳиёбони, 15. **Тел:** (99866) 239-17-14, 239-11-40; **факс:** (99866) 239-11-40; **e-mail:** [devonxona@samdu.uz](mailto:devonxona@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, Физика факультети, 1-қават, 63-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). **Манзил:** 140104, Самарқанд шаҳри, Университет ҳиёбони, 15. **Тел:** (99866) 239-17-14, 239-11-40; **факс:** (99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М. Х. Ашуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

**Р. М. Ражабов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.доцент

**Д. И. Семенов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда тез суратлар билан ривожланаётган оптика соҳасида истиқболли йўналишлардан бири бўлган паст ўлчамли тизимларнинг оптик хоссаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада оптик хоссаларни ўрганиш орқали асосан наноўлчамли тизим билан электромагнит тўлқинлар ўзаро таъсирлашганидан сўнг, электрон ва панжара тизимчалари структуралари, бу тизимчаларнинг бир-бирлари билан ўзаро таъсир механизмлари, хусусан, электрон ва экситон спектрлари, уйғонган ҳолатларнинг яшаш вақти ва сочилиш механизмлари тўғрисида маълумотларга эга бўламиз. Масалан, ёруғликнинг комбинацион сочилиши паст ўлчамли структура (метал–диэлектрик-яримўтказгич тизимидаги яримўтказгич юзасига яқин қатлам (инверсион ва аккумуляцион) лар, квант ўра, квант ип, гетероструктура ва устпанжара) ларнинг электрон хоссаларини ўрганиш учун самарали фойдаланилмоқда. Жонсон-Ларсенларнинг дастлабки тажрибалари пайдо бўлганидан сўнг магнитполярон эффект назарийчилар ва экспериментаторларнинг диққат-эътиборини жалб қилиб келмоқда. Шундан бери оптик ҳодисаларда магнитполярон хусусиятлари мукамал ўрганилмоқда. Резонанс магнитполярон эффект дастлаб яримўтказгичларда ёруғликнинг зоналараро магнитооптик ютилишида кузатилган.

Бугунги кунда жаҳонда ривожланган мамлакатларда электронларнинг ўлчамли квантланиши натижасида ҳосил бўладиган паст ўлчамли яримўтказгичли объектларнинг пайдо бўлиши Жонсон-Ларсен эффектига қизиқишнинг янги тўлқинини юзага келтирди. Ўлчамли квантланган тизимларда магнитполярон эффектларнинг ёруғликнинг зоналараро магнитооптик ютилишига таъсирини ва ёруғликнинг кўп фонли комбинацион сочилишини чуқур тадқиқ қилиш илмий изланишларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Демак, паст ўлчамли структураларнинг оптик хоссаларини ўрганиш ҳозирги вақтда ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий ривожини билан боғлиқ бўлган долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегиясида<sup>1</sup> илмий ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалалари илмий тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Микроэлектроника ва оптоэлектроникаларнинг ривожланиши паст ўлчамли тизимларнинг физик хоссаларини назарий ва экспериментал ўрганиш билан боғлиқ. Бунинг натижасида катта ва ўта катта интеграл схемалар, зарядларни ташиш билан боғлиқ асбоблар ва турли элементларнинг катта зичликда жойлаштирилган структуралари яратилди.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил, 7-февралдаги ПФ-4947-сонли фармони “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.

Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 13-февралдаги ПҚ-2772-сон “2017-2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг «ПФИ-2–Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Икки ўлчамли электрон газ (ёки ўлчамли квант эффектлари) ларни систематик тадқиқот қилиш 1966-йилда деярли бир вақтда иккита авторлар гуруҳининг – М.И.Елинсон, Д.Н.Корнеев, И.Н.Луцкин ва Ю.Ф.Оргин (СССР ФА ИРЭ) ҳамда А.Фоулер, Ф.Фэнг, У.Говард, П.Стайлс (ИВМ фирмаси) америка олимлари томонидан мақолалар эълон қилингандан кейин бошланди.

Кейинги йилларда чет эллик С.В.Дике (АҚШ), L.Wendler, V.G.Grigoryan (Germany) ва россиялик рус олимлари Л.И.Коровин, И.Г.Ланг ва С.Т.Павловлар ўз тадқиқотлари орқали магнит майдонда ва магнит майдонсиз ёруғликнинг зоналараро ютилиш спектрлари паст ўлчамли (квант ўра, квант ип ва нуқтали) структуралардаги электрон ва ковак ҳолатлари спектрлари тўғрисида фойдали маълумотлар беришини кўрсатди.

Жонсон-Ларсен эффекти ўлчамли квантланиш туфайли кучайиши мумкин бўлган паст ўлчамли яримўтказгичли объектларнинг пайдо бўлиши магнитполярон эффектига қизиқишнинг янги тўлқинини (S.Das Sarma, A.Madhukar (AQSh), R.Lassing (Austriya), W.Zawadski (Polond)) вужудга келтирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу соҳанинг ривожланишига Ўзбекистонлик олимлардан академик А.Т. Мамадалимов, профессорлар Р.Я.Расулов ва Б.Э.Эшпўлатовлар ҳам маълум ҳисса қўшганлар.

Охириги йилларда ўтказилган экспериментал ва назарий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, турли шаклдаги квант ипларда ёруғликнинг комбинацион сочилишнинг кетма-кет назарияси яратилмаган, бундан ташқари ёруғликнинг кўп фононли резонанс комбинацион сочилиш назарияси ва учта, тўртта Ландау сатҳларининг резонанс боғланишдаги квант ўрасида ёруғликнинг магнитооптик ютилиш назариялари ҳам тўлиқ яратилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг Ф2-ФҚ-0-47339 Ф2-015-“Квант ўлчамли

наноструктуралар физикаси” 2012-2016 йилларга мўлжалланган грант асосидаги илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўлчамли квантланган яримўтказгичли ипларда ёруғликнинг зоналараро комбинацион сочилиши ва магнит майдонига жойлаштирилган квант ўрасида ёруғликнинг зоналараро магнитооптик ютилишида магнитполярон эффектларнинг, ёруғликнинг кўп фононли резонансли комбинацион сочилишининг назариясини яратишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тўғри бурчакли ва цилиндрик шакллардаги квант ипларда ёруғликнинг комбинацион сочишиш дифференциал кесимини назарий ҳисоблаш;

квант ўрасидаги магнитполяронларни турларга ажратиш;

ўлчамли квантланган яримўтказгичли квант ўраларда квантловчи кучли магнит майдонида учламчи ва тўртламчи магнитполяронлар билан боғлиқ бўлган ёруғликнинг зоналараро магнитооптик ютилиш пик(чўкқи)ларининг ажралишини назарий ўрганиш;

квант ўрасида квантловчи кучли магнит майдонида эркин электрон-ковак жуфтлари иштирокида бўладиган ёруғликнинг кўпфононли резонанс комбинацион сочилиши жараёнларининг сочишиш кесимига ҳиссасини назарий ўрганиш;

“кучсизланган” магнитполярон спектрларини ҳисоблаш ва уларда ёруғликнинг зоналараро магнитооптик ютилишининг частотага боғлиқлигини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** тўғри бурчакли ва цилиндрик шакллардаги квант ип ва квантловчи кучли магнит майдонидаги квант ўраси .

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб тўғри бурчакли ва цилиндрик шакллардаги квант ипларда ёруғликнинг комбинацион сочилиши дифференциал кесимини ҳисоблаш ва кучли магнит майдонда жойлашган квант ўрасида эркин электрон-ковак жуфт(ЭКЖ) иштирокида ёруғликнинг кўпфононли резонанс комбинацион сочишиш жараёнлари; учламчи, тўртламчи ва “кучсизланган” магнитполяронлар иштирокида квант ўраларида ёруғликнинг зоналараро магнитооптик ютилишини тадқиқ қилиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Паст ўлчамли квант тизимлари оптик хоссаларининг хусусиятларини ўрганишнинг асосий усуллари сифатида ёруғликнинг комбинацион сочилиши, ёруғликнинг кўп фононли резонанс сочилиши ва ёруғликнинг зоналараро магнитооптик ютилишини квантмеханикавий ҳисоблаш усуллари танланган. Кучли магнит майдонидаги квант ўраси ва квант ипдаги электрон ва ковакларнинг тўлқин функцияларини ва энергетик ҳолатларини аниқлаш учун мос Шредингер тенгламасининг ечимларидан фойдаланилган. Квант ипдаги ёруғликнинг комбинацион сочилиши (ЁКС) кесимини ҳисоблаш учун ғалаёнлар назариясидан фойдаланилган. Ёруғликнинг кўп фононли резонанс сочишиш (ЁКРС) кесимини ва ёруғликнинг магнитооптик ютилишини ҳисоблашда Грин функциясидан фойдаланилган. Грин функциясини аниқлаш ва ўлчамсиз массивой операторни ҳисоблаш учун Фейнман диаграмма усулидан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тўғри бурчакли ва цилиндрик шакллардаги яримўтказгичли квант ипларда ёруғликнинг зоналараро комбинацион сочилишининг анизотроп эканлиги ва ёруғликнинг сочилиш частотаси қатор дискрет қийматлар қабул қилиши аниқланган;

магнит майдонга жойлаштирилган квант ўрасидаги ёруғликнинг кўп фононли резонанс сочилиши ҳажмий яримўтказгичлардаги худди шундай сочилиш кесимига қараганда кўп қаррали кучайиши аниқланган;

электрон-фонон энергетик ҳолатлари бир нечта компоненталарга ажралиши фонон такрорланиш чўққиларининг мос компоненталарга ажралишига олиб келади ва бу чўққиларнинг ҳолатлари, интенсивликлари магнит майдонга боғлиқлигидан, компоненталар орасидаги масофа электрон-фонон ўзаро таъсирини характерловчи ўзгармас сон( $\alpha_0$ )нинг квадрат илдизига тенглиги аниқланган;

кучли магнит майдонда жойлашган квант ўраларида ҳосил бўладиган магнитполяронлар турларга ажратилган;

учламчи ва тўртламчи магнитполяронлар ҳосил бўлишида магнитооптик ютилиш пики (чўққиси) мос равишда учта ва тўртта компоненталарга ажралиши ҳамда ушбу пикларнинг нисбий интенсивлиги ва ҳолатлари магнит майдонга кучли боғлиқ эканлиги аниқланган;

“кучсизланган” магнитполярон таъсирида магнитооптик ютилиш пики иккита компонентага ажралиши кўрсатилган ва бу пиклар орасидаги масофа электрон-фонон ўзаро таъсир  $\alpha_0$  га тўғри пропорционал эканлиги аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

квантланган иплардаги ёруғликнинг зоналараро сочилиш кесимининг кўзғатувчи ва сочилган ёруғликлар энергиясига боғлиқлик графиклари GaAs яримўтказгичга тегишли бўлган параметрлар мисолида сонли ҳисоблашлар натижасида олинган;

магнит майдондаги квант ўрада ҳосил бўладиган магнитполяронларнинг моделлари ишлаб чиқилган ва бу моделлар турларга ажратилган. Учламчи ва тўртламчи магнитполяронлар учун бу моделлар такомиллаштирилган;

$A^3B^5$  яримўтказгичлар учун резонанс магнит майдон ва магнитооптик чўққилар ажралиш катталиклари қийматлари аниқланган;

ёруғликнинг икки, уч, тўрт ва беш фононли комбинацион сочилишини ўрганишда яратилган моделлардан кўп фононли жараёнларни келгусида ўрганиш мақсадида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар учун такомиллаштирилган;

электрон ва икки фонон ўртасидаги нозикли ўзаро таъсирининг модели–гамилтъониани яратилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** танланган физик моделларнинг тўғри танланганлиги билан ва бу моделни ўрганишда ишлатиладиган математик усулларнинг пухталиги билан ҳамда олинган натижаларнинг бошқа авторлар томонидан олдин олинган натижаларга

мослиги ва адабиётларда келтирилган умумфизикавий тасаввурларга тўғри келиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти квантланган ипларда ёруғликнинг зоналараро комбинацион сочилиши, учламчи ва тўртламчи магнитполяронлар, ёруғликнинг кўп фононли резонанс сочилиши ва “кучсизланган” магнитполяронларнинг биринчи марта назарий ўрганилганлиги.

Олинган натижаларининг амалий аҳамияти ёруғликнинг зоналараро комбинацион сочилиши ва магнитооптика соҳаларида олиб борилаётган чуқурлаштирилган фундаментал тадқиқотлар билан бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳозирги вақтда электроника соҳасида фойдаланиш учун микроэлектроник ва оптоэлектроник қурилмаларини ишлаб чиқишда, олдиндан башорат қилинган физик хоссалари янгича бўлган нано материалларни яратиш муаммосининг ижобий ечимини топиш учун зарурдир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Паст ўлчамли электрон тизимлари оптик хоссаларининг ўзига хослигини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

ёруғликнинг зоналараро магнитооптик ютилишига учламчи ва тўртламчи магнитполяронлар таъсирини ўрганишда олинган натижалар Ф2-ФҚ-0-47339 Ф2-015 рақамли “Квант ўлчамли наноструктуралар физикаси” мавзусидаги 2012-2016 йилларга мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 25 августдаги 33-8/6280-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши квант ўлчамли наноструктураларнинг оптик хоссаларини тушунтириш ва улар тўғрисидаги илмий тасаввурларни кенгайтириш имконини берган;

квант ипида ёруғликнинг комбинацион сочилишини ва квант ўрасида магнит майдон таъсирида ёруғликнинг кўп фононли резонанс комбинацион сочилишини, шунингдек ёруғликнинг зоналараро магнитооптик ютилишда намоён бўладиган магнитополярон эффектлар билан боғлиқ илмий натижалари астрофизика фанини ўқитишда фойдаланилган (маълумотнома Manhattan College, May 14, 2019). Илмий натижаларнинг қўлланилиши табиий равишда мавжуд бўлган нейтрон юлдузларнинг хусусиятларини ўрганиш ва тушуниш имконини берган;

эркин электрон-ковак жуфтлари қатнашган ҳолда кучли магнит майдонида, квант ўрасидаги ёруғликнинг кўп фононли комбинацион сочилиши, Ландау энергетик ҳолатларининг учтаси ва тўрттаси резонанс боғланган ҳолда магнит майдонида ёруғликнинг зоналараро магнитооптик ютилиш пикининг мос равишда учта ва тўртта пикларга ажралиши натижаларидан БВ-Ф4-014-рақамли “Электромагнит мослашувликни ҳисобга олган ҳолда электрон қурилмалар, микро– ва нано– тизимлар юпқа элементлари магнит майдонида магнитоэластик тебранишлари масалаларини ечишнинг амалий усуллари ва магнитоэластикликнинг математик асосларини

ривожлантириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада микро– ва нано– тизимли юпқа элементларнинг магнит майдонида магнитоэластик тебранишлар частотасининг ўзгаришини, электромагнит мослашувлик ва микро– ва нано– тизимларда экранлаш муаммосини таҳлил қилишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 33-8/7136-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши электромагнит мослашувлик ва микро– ва нано– тизимларда экранлаш муаммосини ҳал қилиш имконини берган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотларлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Яримўтказгичли квант ипларда ёруғликнинг зоналараро комбинацион сочилиши**» деб аталган биринчи бобида тўғри бурчакли ва цилиндрик шаклли квант ипларда ёруғликнинг зоналараро комбинацион сочилиши назарий таҳлил қилинган. Ёруғликнинг комбинацион сочилиш (ЁКС) дифференциал кесими иккала шаклдаги квант иплари учун анизотропик эканлиги кўрсатилган. Тўғри бурчакли шаклдаги квант ип учун ЁКС кесими  $\omega_s = \pi^2 (E_0/\hbar) \left(\frac{m_0}{m_h}\right) (n_e^2 - n_h^2)$  (бу ерда,  $E_0 = (\hbar^2/2m_0d^2)$ ,  $m_0$  - эркин электрон массаси,  $m_{e(h)}$  - электрон(ковак)нинг эффекив массаси,  $d$  - квант ипнинг  $x$  ўқи бўйлаб кенглиги(қалинлиги),  $n_{e(h)}$  - ўтказувчанлик зонасидаги (валент зонасидаги) ўлчамли квант ҳолатларнинг рақами.

Тўғри бурчакли шаклдаги квант ипда ҳосил бўладиган иккиламчи нурланишнинг частотаси  $0 < \omega_s < \omega_l - (E_g/\hbar) - (1 + d/l)(E_0/\hbar)$  ( $E_g$ -

тақиқланган зонанинг кенглиги,  $\omega_l$  – уйғотувчи ёруғликнинг частотаси,  $l$  – квант ипдаги  $u$  ўқи бўйлаб кенглиги (қалинлиги).

Сочилишнинг дифференциал кесимининг частотага боғлиқлигини таҳлил қилганимизда ўлчамли квантланган яримўтказгичли ипнинг қаралаётган моделида оралиқ ҳолатга ўтиш орқали ёруғликнинг сочилиш жараёни иккала шакл учун ҳам энергиянинг сақланиш қонунига мувофиқ дискрет қийматлар қаторини ҳосил қилиши кўрсатилган.




Узлуксиз чизиклар  $r_0 = 4$  нм ( $r_0$ –квант ип радиуси), нуқтали чизиклар эса  $r_0 = 3$  нм.  $\Gamma_f = 1$  мэв ва  $\Gamma = 3$  мэв. (a) Сочилиш коэффициенти  $[(\hbar\omega_l - E_g)/E_0]$  нинг функцияси сифатида киритилган (уйғониш спектри).

$\hbar\omega_l = 2,8$  эв, (b) Сочилиш коэффициенти  $[(\hbar\omega_s)/E_0]$  нинг функцияси сифатида киритилган (сочилиш спектри).  $\hbar\omega_s = 2,3$  эв. Стрелка билан валент зонасидаги ва ўтказувчанлик зонасидаги турли хил зоначалар орасидаги ўтишлар бўсағалари кўрсатилган ( $n, m$ )

**1-расм.  $\tilde{Z}(e_l, e_{sz})X$  сочилиш конфигурациясида GaAs квант ипи учун (ихтиёрий ўлчов бирликларда) ёруғликнинг комбинацион сочилиши.**


1a – расмда  $\tilde{Z}(e_l, e_{sz})X$  сочилиш конфигурациясида GaAs квант ипи учун уйғониш спектри кўрсатилган. Улар поғона кўринишга эга бўлиб,  $(\hbar\omega_l - E_g)$  нинг минимал қиймати  $x_{nm}$  нинг минимал қиймати (яъни  $x_{01}$ ) орқали аниқланади.  $(\hbar\omega_l - E_g)$ нинг каттароқ қийматларида юқорироқ зоначалар ўз ҳиссаларини бера бошлайдилар. 1a – расмда сочилишнинг худди шундай конфигурацияси учун чиқариш спектрлари келтирилган. Иккиламчи фотонларни чиқариш учун  $\hbar\omega_l - \hbar\omega_s - E_g > E_0 x_{nm}^2$  шарт бажарилиши зарур.  $\hbar\omega_l$ ,  $E_g$  ва  $E_0$  ларнинг берилган қийматлари учун бўсаға нуқталари  $x_{nm}$  нинг қийматлари билан аниқланади.

2-расмда  $\tilde{Z}(e_l, \sigma_-)Z$  конфигурация учун сочилиш спектрлари келтирилган. Бу ҳолда сочилиш коэффициентининг сингулярлик хоссалари кўзга ташланади. 3-расмда 2-расмдагидек сочилиш конфигурация учун уйғониш спектрлари кўрсатилган. Сингулярлик хоссалари кузатилган ва бу



Бу ерда ҳам 1- расмдагидек параметрларнинг қийматларидан сонли ҳисоблашда фойдаланилган. Электрон ва ковакларга мос келувчи зоначалар орасидаги резонансли ўтишлар мос равишда  $\omega_e(n_e; m_e, m_h)$  ва  $\omega_h(n_e; m_e, m_h)$  лар билан кўрсатилган.

**2-расм.  $\tilde{Z}(e_l, \sigma_-)Z$  сочилиш шаклида GaAs квант ипи учун  $(\hbar\omega_s)/E_0$  нинг функцияси сифатида сочилиш коэффиценти.**



Параметрларнинг 1-расмдаги қийматларидан сонли ҳисоблашда фойдаланилган. Электрон ковакларга мос келувчи зоначаларо резонансли ўтишлар  $\omega(n_e; m_e, m_h)$  кўринишда кўрсатилган.

**3-расм.  $\tilde{Z}(e_l, \sigma_-)Z$  сочилиш шаклида GaAs квант ипи учун  $(\hbar\omega_l - E_g)/E_0$  (уйғониш спектри) нинг функцияси сифатида сочилиш коэффиценти.**

сингулярликларнинг аниқ ҳолатлари кўрсатилган. Яна  $(\hbar\omega_l - E_g)/E_0$  нинг кичик қийматлари учун  $x_{n_e m_e}$  ва  $x_{n_h m_h}$  минимал қийматлар қабул қилганида бўсаға нуқталари кўзга ташланади.

Диссертациянинг «**Кучли магнит майдонида жойлашган квант ўрасидаги магнитполяронлар**» деб номланган иккинчи бобида учламчи ва тўртламчи магнитполярон эффектларининг ёруғликнинг зоналараро манитоптик ютилишига таъсири назарий кўриб ўтилган. Икки ўлчамли (2D) тизим сифатида яқка квант ўраси қаралган. Икки муҳит чегарасига перпендикуляр йўналтирилган магнит майдони оху текисликдаги ҳаракатни квантлайди, квант ўра эса  $z$  ўқи бўйлаб электроннинг эркин ҳаракатини квантлайди ва бутунлай дискрет (чексиз каррали айниган) энергетик ҳолатлар ҳосил бўлади, уларни таснифлаш квант ўрасидаги ўлчамли квант энергияси ва циклотрон энергия сатҳларининг ўзаро муносабатларига боғлиқ. Ўрадаги квантланиш энергияси циклотрон энергиясига нисбатан катта деб фараз қилинади. Энг пастки ўлчамли квантланиш энергетик сатҳи ва  $u$  билан боғланган Ландау сатҳлари қаралади. Қаралаётган ҳолда магнитоптик чўққиларнинг ажралишига олиб келувчи узун тўлқин узунликли оптик(ЛО) фононлар билан ўзаро таъсирни кучсиз деб ҳисоблаймиз. Кўпгина яримўтказгичларда  $(m_e/m_h) \ll 1$  шарт бажарилади деб фараз қиламиз. Квант ўрасининг ўтказувчанлик зонасида электроннинг ва валент зонасида ковакнинг Ладау сатҳларида пайдо бўлишига олиб келувчи (экситон ҳолатларининг вужудга келишини ҳисобга олмаймиз) зоналараро оптик ўтиш қаралган. Агар температура паст бўлса, танланган ўзаро таъсир механизми чегарасида коваклар фононни реал чиқара олмайди, чунки унинг учун уларда энергия етарли эмас. Ковак фононни уларнинг йўқлиги сабабли юта олмайди. Бу шароитда ўтказувчанлик зонасида электрон реал ҳолда ЛО фононни чиқариб квант сони  $n$  бўлган сатҳдан квант сони  $n - 1$  бўлган сатҳга ўтиши мумкин.

Кучли бир жинсли магнит майдонида квант ўрасидаги заррачанинг тўлқин функцияси ва энергетик ҳолатлари аниқланган. Бу тўлқин функциялари асосида электроннинг ҳажмий узун тўлқин узунликли оптик фононлар билан ўзаро таъсир гамилтониани ифодаси топилган.

Квант ўрасида ёруғлик энергиясининг ютилиш ҳиссаси куйидаги формула ёрдамида аиқланади.

$$W = W_0 \omega_{eH} \sum_{\alpha} \text{Re} i G_r(\alpha, \omega - \omega_{hH\alpha})$$


бу ерда  $G_r(\alpha, \varepsilon) = [\varepsilon - \omega_{eH\alpha} - \Sigma(\alpha, \varepsilon) + i\delta]^{-1}; \quad \delta \rightarrow +0.$

$$W_0 = \frac{8\sqrt{\varepsilon_p}}{(\sqrt{\varepsilon_p} + \sqrt{\varepsilon_l})^2} \left(\frac{e^2}{c\hbar}\right) \frac{|p_{cv}^y|^2}{m_0 E_g} \left(\frac{m_e}{m_0}\right), \quad \omega_{eH\alpha} = \omega_{eH} \left(n_{\alpha} + \frac{1}{2}\right) + \omega_{0e},$$

$$\omega_{hH\alpha} = E_g/\hbar + \omega_{hH} \left(n_{\alpha} + \frac{1}{2}\right) + \omega_{0h}, \quad \omega_{0e(h)} = (\hbar\pi^2/2d^2 m_{e(h)}),$$

$G_r(\alpha, \varepsilon)$  – электроннинг бирзаррачали кечиккан Грин функцияси,  $\Sigma(\alpha, \varepsilon)$  – массовый оператор,  $\omega$  – кўзғатувчи ташқи ИҚ - нурланиш частотаси. Бу ерда,  $P_{cv}^y$  – блох модуллаштирувчи кўпайтувчилар асосида ҳисобланган импульснинг зоналараро матрица элементи,  $\varepsilon_{p(l)}$ -яримўтказгич (диэлектрик)нинг статистик диэлектрик критувчанлиги,  $\hbar\omega_{oe(h)} - l = 1$  рақамли квант сатҳи энергияси.

Кучли магнит майдонда жойлашган квант ўрасида ҳосил бўладиган поляронлар таснифланган. Бу ерда магнитполяронлар ҳосил бўлишида қатнашадиган фононлар бир хил частота  $\omega_{LO}$  га эга ва 4-расмда абсисса ўқи




Чизикларнинг кесишиш нуқталарига полярон ҳолатлар мос келади. Қора доиралар – иккиламчи поляронлар, қора учбурчаклар – учламчи поляронлар, қора квадратлар – тўртламчи поляронлар, оқ доиралар – кучсизланган поляронлар, қора ромблар - комбинациалашган поляронлар, оқ ромблар – комбинациалашган ва кучсизланган поляронлар.

**4-расм. Электрон (ковак) – фонон тизимининг энергетик ҳолатлари магнит майдон ўзгариши билан ўзгариши.**

бўйлаб циклотрон частотанинг фонон частотасига нисбати  $j^{-1} = \omega_{eH}/\omega_{LO}$  ордината ўқи бўйлаб  $E/\omega_{LO}$ -нисбат қўйилган. Бу ерда  $j$  - чекли сон,  $E$  – энергия  $l$  квант сонли ўлчамли квантланиш энергияси  $\varepsilon_{e(h)l}$  дан бошлаб ҳисобланади. Узлуксиз чизиклар билан ўлчамли квантланиш квант сони  $l$  нинг қийматларига тегишли электрон-фонон тизим термлари кўрсатилган (4-расмга қаранг).

Қаралаётган моделда полярон эффект аслида электрон-фонон тизимидаги энергетик ҳолатларнинг ажралиш эффектидан иборатдир. Ташқи ёруғлик таъсирида валент зонасидаги  $n = 2$  Ландау сатҳидан электроннинг ўтказувчанлик зонасидаги  $n = 2$  Ландау сатҳига ўтишини кўриб чиқамиз.

Учламчи магнитополярон ( $\mathbf{B}$ ) га  $\omega_{eH}$  нинг функцияси сифатида қаралаётган электрон-фонон тизимининг учта терм (тармоқ) лари мос келади (электрон  $n=2$  энергетик сатҳда ва фонон йўқ ( $N=0$ ), электрон  $n=1$  энергетик сатҳда плюс битта LO – фонон ( $N=1$ ), электрон  $n=0$  энергетик сатҳда плюс иккита LO – фонон ( $N=2$ )) ва улар  $\omega_{eH} = \omega_{LO}$  нуктада бир-бирлари билан кесишади (4-расм). Электрон-фонон ўзаро таъсир  $\omega_{eH} = \omega_{LO}$  нуктадаги айнишнинг йўқолишига ва спектрда бир-бири билан кесишмаган учта тармоқлар пайдо бўлишига олиб келади (5-расм).



**5-расм. Электроннинг LO – оптик фонон билан ўзаро таъсирини ҳисобга олингандаги спектри.**

Учламчи магнитополярон ҳолида массавой оператор учун кўзгалонлар назарияси қаторлари анализи ўтказилган. Бунда чизиқли электрон-фонон ўзаро таъсир яқинлашишида массавой оператор учун қуйидаги формула олинган.

$$\Sigma_1^B(2, \varepsilon) = \omega_{LO} \frac{7}{4} \cdot \frac{\sqrt{\pi}}{2} \frac{\eta}{\gamma^B + \lambda^B}, \text{ бу ерда } \eta = \frac{\alpha_0}{2} \left( \frac{\omega_{eH}}{\omega_{LO}} \right)^{1/2},$$

$$\gamma^B = (\varepsilon - \omega_{eH2})/\omega_{LO}, \quad \lambda^B = (\omega_{eH} - \omega_{LO})/\omega_{LO}.$$

Худди шу йўл билан  $G$  ва  $H$  учламчи поляронлар учун массавой оператор қуйидаги ифодалари олинган:

$$\Sigma_1^G(2, \varepsilon) = \omega_{LO} \frac{15}{2} \cdot \frac{\sqrt{\pi}}{2} \frac{\eta}{(\gamma^G + \lambda^G)}, \quad \Sigma_1^H(2, \varepsilon) = \omega_{LO} \cdot 277\sqrt{\pi} \frac{\eta}{(\gamma^H + \lambda^H)}, \quad \lambda^G = \lambda^B.$$

Грин функциясининг илдизини топиш йўли билан электрон-фонон спектрининг учта тармоқлари учун мос равишда қуйидаги ифодаларни оламиз

$$\gamma_1 = -\lambda + \frac{2}{\sqrt{3}} \sqrt{\lambda^2 + (11\sqrt{\pi}/8)\eta \cos \frac{\alpha}{3}}, \quad \cos \alpha = \frac{(9\sqrt{3}\pi/16)\eta\lambda}{\sqrt{[\lambda^2 + (11\sqrt{\pi}/8)\eta]^3}}$$

$$\gamma_{2,3} = -\lambda + \frac{2}{\sqrt{3}} \sqrt{\lambda^2 + (11\sqrt{\pi}/8)\eta \cos(\frac{\alpha}{3} \pm \frac{\pi}{3})}, \quad \lambda = \lambda^B.$$

$\lambda$  нинг турли қийматларида ( $\lambda = 0$ ,  $\lambda > 0$ ,  $\lambda < 0$ ) хусусий ҳоллари кўриб чиқилган.

Квант сони ( $n = 2$   $B$  магнитполярон учун,  $n = 4$   $G$  магнитполярон учун,  $n = 5$   $H$  магнитполярон учун ва хоқозо) Ландау сатҳларига электронни валент зонасидан ўтказишда юз берган магнитооптик ютилиш чўққиси (пики)  $\omega_{LO} = \omega_{eH}$  нуқтада учта  $\delta$  – функцияга ўхшаш пикларга ажралади, пиклар орасидаги масофа ( $\sim \sqrt{\alpha_0}$ ), ютилиш ўтказувчанлик зонасидаги электрон-фонон спектрининг учта тармоқлари билан аниқланади, чунки ҳолатларнинг ностационарлигига ( $m_e/m_h$ )  $\ll 1$  шарт бажарилганлиги учун коваклар ўз ҳиссасини кўшмайди.

Тўртламчи магнитполярон (С) ҳолатида ёруғлик таъсирида электрон валент зонасидаги  $n = 3$  Ландау сатҳининг ўтказувчанлик зонасидаги  $n = 3$  сатҳига ўтади. Бу ҳолда электрон-фонон тизимининг тўртта термлари (электрон  $n = 3$  энергетик сатҳида, электрон  $n = 2$  сатҳда ва битта  $LO$  фонон, электрон  $n = 1$  сатҳда ва иккита  $LO$  фонон ва электрон  $n = 0$  сатҳда ва учта  $LO$  фонон),  $\omega_{eH}$  нинг функцияси сифатида  $\omega_{eH} = \omega_{LO}$  нуқтада кесишади (4-расм). Электрон-фонон ўзаро таъсир  $\omega_{eH} = \omega_{LO}$  нуқтадаги айнишни йўқолишга ва спектрда бир-бири билан кесишмаган тўртта тармоқларнинг пайдо бўлишига олиб келади (6-расм).

Грин функциясининг кутбини топиш йўли билан тўртламчи магнитполярон спектрини ҳисоблаш учун қуйидаги тенгламага эга бўламиз:

$$\gamma - \frac{(51\sqrt{\pi}/128)\eta}{\gamma + \lambda - \frac{(7\sqrt{\pi}/16)\eta}{\gamma + 2\lambda - \frac{(\sqrt{\pi}/2)\eta}{\gamma + 3\lambda}}} = 0, \quad \text{бу ерда} \quad \gamma = (\varepsilon - \omega_{eH3})/\omega_{LO}.$$


бу тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин

$$x^4 + 6yx^3 + (11y^2 - 171\sqrt{\pi}/128)x^2 + (6y^2 - 487\sqrt{\pi}/128)yx - (306\sqrt{\pi}/128)y^2 + 51\pi/256 = 0, \quad x = \gamma/\sqrt{\eta}, \quad y = \lambda/\sqrt{\eta}.$$

$\lambda = 0$  (резонанс ҳолати  $\omega_{eH} = \omega_{LO}$ ), бўлган ҳолда бу тенгламанинг илдизи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\gamma_1 = 1.44\sqrt{\eta}, \quad \gamma_2 = 0.55\sqrt{\eta}, \quad \gamma_3 = -0.55\sqrt{\eta}, \quad \gamma_4 = -1.44\sqrt{\eta}.$$

Квант сони  $n = 3$  (С магнитполярон) Ландау сатҳига электронни валент зонасидан ўтказишда юз берган магнитооптик ютилиш чўққиси  $\omega_{LO} = \omega_{eH}$  нуқтада тўртта  $\delta$  – функцияга ўхшаш пикларга ажралади (пиклар орасидаги масофа  $\sim \sqrt{\alpha_0}$ ), ва улар ўтказувчанлик зонасидаги электрон-фонон спектрининг тўртта тармоқларига мос келади.



**6-расм.  $LO$  – оптик фонон билан ўзаро таъсирини ҳисобга олингандаги ташқи магнит майдонига боғлиқ ҳолда тўртламчи магнитполярон спектри.**

Диссертациянинг «**Кучли магнит майдонидаги квант ўрасида ёруғликнинг кўп фононли резонанс комбинацион сочилиши (ЁКФРКС)**» деб номланган учинчи бобида эркин электрон-ковак жуфт (ЭКЖ) иштирокида ёруғликнинг кўп фононли резонанс комбинацион сочилиш назарияси ишлаб чиқилган. ЁКФРКС жараёни қуйидаги босқичлардан иборат: частотаси  $\omega_l > (E_g/\hbar = \omega_g)$  бўлган қўзғатувчи ёруғлик квантининг ютилиши ЭКЖнинг тўғри ҳосил бўлишига олиб келади, ундан кейин электрон ва коваклар томонидан кетма-кет  $N$  фононларни генерация қилади ва нотўғри аннигиляция юз бериши билан биргаликда сочилган ёруғлик кванти  $\omega_s$  чиқарилади. ЭКЖнинг нотўғри генерацияси ва тўғри аннигиляцияси орқали юз берадиган жараён ҳам мумкин.

Квантловчи магнит майдонидаги якка квант ўрасидаги электрон ва ковак учун тўлқин функциялари ва энергетик ҳолатлари келтирилган.


Назарияда резонанс электрон-фонон ўзаро таъсир туфайли электрон-фонон тизим термларининг кесишиши билан биргаликда уларнинг ажралиши ҳам ҳисобга олинган.

Кўрилатган ҳодисада ҳажмли  $LO$  фонон асосий ўринни ўйнайди. Кучли квантловчи магнит майдонидаги квант ўрасига мос электрон-фонон ўзаро таъсирнинг гамильтониани келтирилган.

Умумий формула асосида икки, уч, тўрт ва беш фононлар иштирокида бўладиган ЁКФРКС учун сочилиш тензори ҳисобланган. Аниқланганки, уч фононли жараёнда иккита фонон Ландау сатҳлари орқали реал ўтишлар натижасида чиқарилади, учинчи фонон эса ЭКЖнинг нотўғри аннигиляцияси ёки нотўғри генерациясида чиқарилади.

$$\omega_g + \omega_{oe} + (9/2)\omega_{eH} \leq \omega_l < \omega_g + \omega_{oe} + (11/2)\omega_{eH} \quad (1)$$

частоталар оралиғида ЭКЖнинг тўғри генерацияси натижасида электрон ва ковак  $n = 4$  сатҳида пайдо бўлади. Бу шароитларда икки-, уч- ҳамда тўрт-фононли жараёнлар бўлиши мумкин.  $n = 4$  Ландау сатҳи электрон-фонон ўзаро таъсир орқали  $n = 3, 2, 1$  ва  $0$  сатҳлар билан боғланган ва резонанс соҳасида электрон-фонон тизимнинг бешта ҳолатлари мавжуд.



$$C_2(2,3) = 0,210, C_2(4,3) = 0,208, F(1,0) = 0,886, F(2,1) = 0,775, \\ F(3,2) = 0,705, F(4,3) = 0,657.$$

**7-расм. (1) интервалда иккиламчи ФТ га мос функция  $P = C_2(4,3)w_2(4,3) + C_2(2,3)w_2(2,3)$  нинг аниқ резонанс шароитида ўлчамсиз частотага боғлиқлик графиги.**

Бу интервалда иккиламчи фонон такрорланиши (ФТ) 8 та пиклардан иборат бўлиб, тўрттаси ЭКЖнинг тўғри генерацияси ва тўрттаси - тўғри аннигиляцияси билан боғлиқ (7-расм).

Иккиламчи ФТ учун сочилиш тензори  $S_2$  куйидаги кўринишга эга

$$S_2 = S_2^0 \delta(\omega_l - \omega_s - 2\omega_{LO}) \omega_{LO}^{-6} [C_2(4,3)w_2(4,3) + C_2(2,3)w_2(2,3)],$$

ЭКЖнинг тўғри генерацияси ҳолида

$$w_2(4,3) = \frac{1}{16} \frac{[\vartheta^2 - F(1,0) - F(2,1)]^2}{\{\vartheta^4 - u\vartheta^2 + F(4,3)[F(1,0) + F(2,1)]\}^2},$$

$$\vartheta = \Gamma / \sqrt{\eta}, \quad u = F(1,0) + F(2,1) + F(3,2) + F(4,3),$$


$$\Gamma = \left( \omega_l - \omega_g - \omega_{oe} - (11/2)\omega_{eH} \right) / \omega_{LO},$$

$$w_2(2,3) = \frac{1}{14} \frac{[\vartheta^2 - F(1,0)]^2}{\{\vartheta^4 - [F(1,0) + F(2,1) + F(3,2)]\vartheta^2 + F(1,0)F(3,2)\}^2}.$$

Навбатдаги частота интервалида

$$\omega_g + \omega_{oe} + (11/2)\omega_{eH} \leq \omega_l < \omega_g + \omega_{oe} + (13/2)\omega_{eH} \quad (2)$$

ЭКЖнинг тўғри генерацияси натижасида электрон ва ковак  $n = 5$  сатҳда пайдо бўлади. Бу шароитларда икки-, уч-, тўрт- ҳамда бешфононли жараёнлар бўлиши мумкин. Бу интервалда иккиламчи ФТ 10 та пиклардан иборат бўлиб, олтитаси ЭКЖнинг тўғри генерацияси ва тўртаси - тўғри аннигиляцияси билан боғлиқ (8-расм).



$$C_2(5,4) = 0,2012, \quad C_2(3,4) = 0,2077, \quad F(1,0) = 0,886, \quad F(2,1) = 0,775, \\ F(3,2) = 0,705, \quad F(4,3) = 0,657, \quad F(5,4) = 0,615.$$

**8-расм. (2) интервалда иккиламчи ФТ га мос функция  $P = C_2(5,4)w_2(5,4) + C_2(3,4)w_2(3,4)$  нинг аниқ резонанс шароитида ўлчамсиз частотага боғлиқлик графиги.**

Агар ЭКЖнинг тўғри генерацияси юз берса, дастлаб электрон ва ковак  $n$  рақамли Ландау сатҳида пайдо бўлиши, кейин электрон реал ўтишда ўзидан  $n - 1$  фонон чиқариб,  $n = 1$  сатҳга ўтиши кўрсатилган. Ва ниҳоят ЭКЖ сочилган ёруғлик квантини ва охириги фононни чиқариб, нотўғри аннигиляцияланади. Бошқа канал ЭКЖнинг нотўғри генерацияси билан бошланиб, электрон  $n - 1$  сатҳда пайдо бўлади. Бунда ковак  $n = 0$  ҳолатда бўлиши керак, акс ҳолда жуфтнинг тўғри аннигиляцияси (фонон иштирокисиз) мумкин эмас.  $n - 1$  фононни чиқариб, электрон  $n = 0$  сатҳга ўтади ва жуфтнинг аннигиляцияси юз беради. Сочилиш тензорининг иккита хусусиятга эга эканлиги кўрсатилган. Биринчидан, у  $\vartheta = 0$  нуқтага нисбатан симметрик жойлашган  $n$  пикларни тавсифлайди. Иккинчидан, резонансдан узоқроқда сочилиш тензорининг кичик эканлигини кўрсатувчи  $\eta^2$  га пропорционал кўпайтма ҳисобга олинмаган. Частотанинг бу соҳасида сочилиш тензорининг боғланиш ўзгармас сони  $\eta$  га боғлиқлиги йўқолади ва бу кучли магнит майдонида квант ўрасидаги сочилишнинг магнит майдонидаги ҳажмий ярим ўтказгичдаги сочилишга нисбатан  $\eta^{-1}$  марта ошишини кўрсатади.

Электрон-фонон ўзаро таъсирни ҳисобга олиш битта  $n$  рақамли Ландау сатҳи ўрнига бир-биридан  $\sqrt{\eta}$  масофада жойлашган  $n + 1$  та сатҳлар пайдо бўлиши кўрсатилган. Агар  $n -$  жуфт сон бўлса, электрон-фонон тизими ҳолатлари тўплами силжимаган марказий ҳолат мавжуд бўлади, агар  $n -$  тоқ


сон бўлса-марказий ҳолат мавжуд бўлмайди. ФТ пиклари компонентлари сони ЭКЖнинг генерацияси натижасида электрон пайдо бўлган сатҳ квант сони  $n$  билан аниқланади.

Нол ўлчамли (квантловчи магнит майдонидаги квант ўраси) тизимларда ЁКФРКС кесими ифодасининг электрон-фонон ўзаро таъсир боғланиши ўзгармас сони  $\alpha_0$  га боғланиш даражасининг камайиш физик сабаблари қуйидагидан иборат. Ҳажмий ярим ўтказгичда  $N$  ( $N \geq 4$ ) тартибли ЁКФРКС жараёнларида  $N + 1$  оралиқ ҳолатларидан  $N$  таси реал ҳолатлар бўлганида электроннинг кристалл бўйлаб реал дайдиши юз беради. ЁКФРКС жараёнининг сочилиш кесими ЭКЖнинг аннигиляцияси учун зарурий бўлган шарт ЭКЖнинг  $N - 1$   $LO$  фонон чиқаргандан кейин (оғир ковак ЭКЖнинг туғилган нуқтасида қолади) унинг туғилган (генерацияланган) нуқтасига қайтиб келиш эҳтимолиятига пропорционалдир. Электроннинг ЭКЖнинг туғилган нуқтасига қайтиш эҳтимолияти боғланиш ўзгармас сони  $\alpha_0$  нинг учинчи даражасига пропорционал, шунинг учун  $N \geq 4$  учун  $\sigma_N \sim \alpha_0^3$ . Бошқача қилиб айтганда, ёруғлик таъсирида ҳосил бўлган ЭКЖнинг бир нечта  $LO$  фонон чиқарилган кейин эгаллайдиган ҳажми  $N \geq 4$  учун электроннинг эркин югуриш узунлигининг учинчи даражасига пропорционал. Кутбли ярим ўтказгичларда электроннинг эркин югуриш узунлиги электрон-фонон ўзаро таъсир фрелих боғланиш ўзгармас сони  $\alpha_0$  нинг биринчи даражасига пропорционаллигини ҳисобга олсак  $V_{ЭКЖ} \sim \alpha_0^{-3}$ , ЭКЖнинг аннигиляцияси эҳтимолияти эса  $\sim V_{ЭКЖ}^{-1}$  ва шунинг учун  $\sigma_N \sim \alpha_0^3$ .

